

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадрли ва муҳтарам ватан-дошлар!

Авваламбор, сиз азизларни, юртимиздаги барча мўмин-мусулмонларни, нуроний отахон ва она-хонларимизни, қадрли ака-укаларимиз, опа-сингилларимизни, азму шижоатли ёшларимизни, иймон-эътиқодли халқимизни муборак Рамазон ҳайити билан чин қалбимдан табриклаб, самимий тилаklarимни билдираман.

Рамазони шариф эзгулик, хайру саховат ва меҳр-оқибат оийи сифатида эл-юртимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида азал-азалдан алоҳида ўрин эгаллаб келади.

Ушбу кутлуг ойда сабру қаноат, шукроналик, руҳий покланиш, меҳр ва кўмакка муҳтожларга янада эътиборли бўлиш, савобли амаллар қилишдек олижаноб фазилатлар бу йил юртимизда ҳар қачонгидан ҳам яққол намоён бўлди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Мард ва матонатли халқимиз коронавирус пандемияси, бошимизга тушган турли синовлар ва табиий офатлар шароитида **“Аллоҳ сабр-тоқатли инсонлар билан биргадир”**, деган илоҳий ўғитга амал қилиб, тушунлиқка берилмасдан, янада аҳил ва бирдам бўлиб, инсонпарварлик, ҳам-жихатликнинг юксак намунасини кўрсатганини жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда. Бу билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Асрлар давомида халқимиз он-гида бағрикенглик, меҳр-муруват, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, мустақкам ирода каби ибратли фазилатларни шакллантиришда табаррук Рамазон ойига

хос қадриятларнинг ўрни ва таъсири албатта бекиёсдир.

Бу йил карантин туфайли Рамазон амаллари ва ибодатларини адо этишда юзага келган маълум қийинчиликларни тўғри тушуниб, бу масалага оқилона ёндашган, айни вақтда “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатида фаол иштирок этаётган ҳиммати баланд тадбиркорларимиз ва фермерларимизга, турли касб эгалари бўлган кексаю ёш барча ватандошларимизга шу улуг айём кунларида яна бир бор чуқур миннатдорлик билдираман.

Азиз дўстлар! Маълумки, ҳозирги кунда бутун дунё аҳли каби биз ҳам корона-вирус пандемияси билан боғлиқ мушкул вазиятни бошимиздан ўтказмоқдамиз. Шу ўринда бир ҳақиқатни эслатиб ўтишни зарур, деб биламан.

Карамни кенг Аллоҳ таоло муқаддас Қуръони каримда инсонларни масъулиятли синов кунларида сабр ва қаноатли бўлишга даъват этиб, **“Албатта, қийинчилик билан бирга енгилик ҳам бординр”**, деб марҳамат қилади.

Чиндан ҳам, ҳар қандай ташвиш ортида енгилик ва ёруғлик борлигини коронавирус касаллигидан соғайиб чиқаётган, табиий офатлар туфайли уй-жойидан айрилган, лекин давлатимиз ва эл-юртимизнинг катта ёрдами ва кўмаги билан ўз ҳаётини янгитдан йўлга қўйиб олаётган минглаб юртдошларимиз қалбдан ҳис этмоқдалар.

Шу маънода, бугунги қийинчиликлар албатта ўтиб кетади, ҳали қанча хурсандчилик кунлар, байрам ва ҳайитларни барчамиз биргаликда нишонлаймиз, деб ишонаман.

Шубҳасиз, ҳар қандай машаққатни меҳнат ва матонат, сабру чидам билан мардона енгиб ўтган олижаноб халқимиз бу синовлардан янада кучли ва қудратли бўлиб чиқади.

Ана шундай қатъий ишонч ва кўтаринки кайфият билан бугунги кунда юртимизни тараққий эттириш йўлида даврининг ўзи талаб этаётган, биз бошлаган кенг кўламли ислохот ва ўзгаришларни бир ёқадан бош чиқариб, изчил амалга ошириб, олдимизга қўйган улкан марраларга албатта эришамиз.

Сиз, азиз ва муҳтарам ватандошларимни эзгу ниятлар рўёбга чиқадиган, хайрли амаллар учун беҳисоб савоблар ёғиладиган, ўзаро бирдамлик, дўстлик ва аҳиллик туйғулари тараннум этиладиган шукуҳли Ийд-ул-Фитр билан яна бир бор чин юракдан муборакбод этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, жаҳондаги барча мўмин-мусулмон биродарларимизни ҳам халқимиз номидан самимий кутлаб, уларга тинчлик-осойишталик, файзу барака ва фаровон ҳаёт тилайман.

Нияти пок, мақсадлари улуг халқимизнинг ушбу саодатли онларда қилаётган тоат-ибодатлари ва дуолари ижобат бўлсин!

Парвардигори олам доимо йўлимизни ҳам, юзимизни ҳам ёруғ қилсин! Юртимизни, элимизни турли бало-қазолардан ўзи асрасин!

Ватанимиз тинч, халқимиз соғ-саломаат бўлсин!

Рамазон ҳайити барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 май куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат аввалида давлат раҳбарлари бутун мусулмон олами учун шодлик ва шукроналик, хайр-саховат ва эзгулик айёми бўлган кутлуг Рамазон ҳайити муносабати билан ўзаро табрик алмашдилар, бир-бирларига ва қардош халқларимизга бахт-саодат ва фаровонлик тиладилар.

Президентлар икки томонлама муносабатлар кун тартибидagi масалаларга алоҳида тўхталдилар. Замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашишда яқиндан ҳамкорлик қилинаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Коронавирус тарқалишига қарши курашиш борасида иккала мамлакатда қўрилаётган қатъий чора-тадбирлар, ушбу хавфли касалликнинг салбий оқибатларини камайтириш, аҳолига манзилли ёрдам кўрсатиш, иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари ва бизнеснинг ривожланишига кўмаклашиш бўйича амалга оширилаётган инқирозга қарши дастур қўлаб-қувватланди.

Давлатимиз раҳбари Туркия Президентига пандемияга қарши курашда, шунингдек, Сардоба сув омборидаги фавқулодда ҳодиса муносабати билан кўрсатилган амалий ёрдам учун самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон ва Туркия самарали минтақавий транспорт йўлакларини ривожлантириш, жумладан, Боку — Тбилиси — Қарс темир йўлидан фаол фойдаланишдан, шунингдек, юк ташиш-

лар ҳажмини ошириш учун қулай шароитларни шакллантиришдан манфаатдор.

Сухбатда кўп қиррали Ўзбекистон — Туркия муносабатларини, аввало, савдо-иқтисодий, инвестиция ва транспорт-коммуникация соҳаларида кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Олий даражада эришилган келишувларни, шу жумладан, Стратегик ҳамкорлик кенгашининг жорий йил бошида Анқара шаҳрида ўтган биринчи йиғилиши қарорларини ўз вақтида амалга ошириш муҳим экани таъкидланди.

Савдо кўрсаткичлари динамикасини сақлаш ҳамда иқтисодиётнинг турли тармоқларида Ўзбекистон ва Туркиянинг етакчи компания ва банклари иштирокидаги устувор инвестиция лойиҳаларини илгари суриш бўйича биргаликдаги ишларни, шу жумладан, икки томонлама Ҳукуматлараро комиссия фаолияти доирасида давом эттириш зарурлиги қайд этилди.

Мулоқот якунида минтақавий ҳамкорлик ва халқаро сиёсатнинг қатор долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Президентлар Туркий кенгашига аъзо мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт, савдо ва транспорт вазирликлари раҳбарлари ўртасидаги онлайн учрашувларнинг самарали натижаларини юксак баҳоладилар.

Сухбат ҳар доимгидек очик, конструктив ва дўстона руҳда ўтди.

Ў.А.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарларидан табрик мактублари келмоқда. Уларда Президентимизга соғлиқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик ва равнақ тилаб, эзгу истаклар изҳор этилган.

Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши **Нурсултон Назарбоев**

Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**

Туркменистон Президенти **Гурбангули Бердимухамедов**

Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**

Қирғизистон Республикаси Президенти **Сооронбай Жээнбеков**

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**

Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоған**

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти **Ашраф Гани**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими **шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**

Бирлашган Араб Амирликлари Қуроли кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари, Абу-Даби Амирлиги валиаҳди — **шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Қувайт Амири **Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**

Ўмон Султони **Ҳайсам бин Ториқ Ол Саид**

Иордания Подшоҳи **Абдулла II**

Яман Республикаси Президенти **Мансур Ҳодий**

Фаластин Президенти **Махмуд Аббос**

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши Бош котиби **Бағдат Амреев**.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Андижонда бунёдкорлик кўлами кенгаяди

Давлатимиз раҳбари ҳар гал Андижон вилоятига ташриф буюрар экан, энг аввало, аҳолини иш ва тураржой билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратади. Зеро, ушбу ҳудуд республикамиздаги аҳолиси энг зич, бироқ ер майдони кичик бўлган маскандир.

■ Муносабат

Бу ерда аҳолининг энг катта муаммоси уй-жой билан боғлиқ бўлиб, муносабатларнинг 75 — 80 фоизини айнан шу масала ташкил этади. Буни юракдан ҳис этган Ўртбошимиз вилоятда одамларни уй-жой билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш борасида зарур кўрсатмаларини беради.

Хусусан, 2018 йилнинг 20 май куни Андижон шаҳридаги янги уй-жойларни кузатар экан, мазкур ҳудудда бу масала долзарб эканини инобатга олиб, қўшимча тураржойлар қуриш бўйича топириқ берганди. Шундан сўнг шаҳарда йигирмата 7 қаватли, иккита 16 қаватли уй барпо этилди. Айни пайтда Хўжаобод туманида қад ростлаётган “Янги Андижон” тураржой мажмуаси ҳам Андижон шаҳар, Андижон, Хўжаобод, Булоқбоши, Жалақудуқ ва Қўрғонтепа туманларида-

ги тураржойга муҳтож оилалар учун доимий яшаш масканига айланади. Биргина ўтган йилнинг ўзида вилоятда 2 минг 822 хонадонли арзон ва тижорат уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жумладан, қишлоқ массивларида 1 610, Андижон шаҳрида 664 хонадонли 14 та кўп қаватли уй бунёд этилди. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳала” дастурлари доирасида 48 та маҳаллада 447,4 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Келгусида бу борадаги ишлар кўлами янада кенг тус олади. Негаки, давлатимиз раҳбари кўни кеча вилоятимизга ташрифи доирасида аҳолини тураржой билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишди.

➡ 2

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- Кейинги уч йилда Тошкент шаҳрида енгил автомобиллар сони **95 мингтага кўпайган**.
- Мазкур **уч** поғонали транспорт ечимининг туннели **узунлиги 593 метр**, ҳалқа шаклидаги **ўрта поғона 29 метр**, **эстакада қисми 502 метрни** ташкил қилади.
- Туннель ва эстакадада қатнов **6**, **ўрта поғонада эса 5 қаторли**.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Бугун юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кўлами жуда кенг ва шунга мос равишда қад кўтараяётган иморату иншоотлар сони ҳам кам эмас. Қурувчи-бунёдкорларимиз ғайрат-шижоати туфайли яқинда пойтахтимизнинг Охангарон шоссеси ва Махтумқули кўчаси кесилишмасида фойдаланишга топширилган йўлўтказгич бунинг яққол тасдиғидир.

■ Инфратузилма

Аслида, қурувчиларимиз кўприксозлиқ ва йўлсозлик борасида анчагина тажрибага эга. Ахир сўнгги пайтларда республикамизда қанчадан-қанча кўприги йўлўтказгичлар барпо этилмади, дейсиз. Масалан, охириги уч-тўрт йилда биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 4 та йирик йўлўтказгич барпо этилди. Бугун улар одамлар узоғини ақин қилмоқда. Лекин мутахассислар фикрича,

навбатдаги йўлўтказгичнинг аҳамияти бошқача, унинг аввалгиларидан фарқли жиҳатлари кўп.

Бугунги Тошкент қиёфасини уч-тўрт йил олдингиси билан солиштирганда, амалга оширилаётган ишлар кўзга яққол ташланади. Тобора кўкка бўй чўзаётган замонавий иншоотлар, “шаҳар ичидаги шаҳарча”лар, янги-янги саноат ҳамда ижтимоий объектлар, пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларига катта қулайлик яратмоқда. Бунда йирик лойиҳаларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхта-

либ ўтиш мумкин. Муҳими, бундай ўзгаришлар янги Ўзбекистоннинг янги қиёфаси, ўзига хос имижини намоён этяпти.

Сўнгги пайтларда аҳоли ўсиши, пойтахтимизга сайёҳлар ва меҳмонлар оқими бир неча баробар ортгани, автотранспортлар сони кўпайиб бораётгани йўлларда тирбандликларнинг олдини олиш, жамоат транспорти ҳаракатини самарали ташкил қилишни тақозо этмоқда.

➡ 3

АДОЛАТ ВА ИНСОНПАРВАРЛИК УЙЎНЛИГИ

Халқимиз маънавий ҳаёти, миллий қадрият ва анъаналаримизнинг ажралмас бир қисми бўлган, эзгулик, саховат, меҳр-оқибат ва шукроналик айёми — муборак Рамазон ҳайити ҳар йили юртимиз бўйлаб кенг нишонланади. Негаки, ушбу байрамнинг маънавий ҳаётимизда эзгулик, шукроналик, меҳр-оқибат каби олижаноб қадриятларни қарор топтиришдаги ўрни ва аҳамияти бекиёс.

Акс садо

Таъкидлаш жоизки, юртдошларимиз ҳайит муносабати билан муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, мушкул аҳволга тушиб қолганларга мадад бўлиш, эксон қилиш орқали бир-бирининг кўнглини обод этишни одат қилган. Шундай муборак кунларда адашган кишиларнинг афс этилиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топиши учун кўмак берилиши эса ана шу эзгу ва ҳайрли амалларга тўлиқ Ҳамоҳангдир.

Президентимиз томонидан имзоланган “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалishi йўлига қатъий қарай ўтган бир гуруҳ шахсларни афс этиш тўғрисида”-ги Фармон халқимиз томонидан қатта хурсандчилик билан кутиб олинди.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир қилган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалishi йўлига қатъий ўтган 258 фуқаронинг афс этилиши юртимизда афс ҳаёти, эркинлиги, шазни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият сифатида тан олинишининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Халқимизга хос бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган мазкур Фармон, ҳеч шубҳасиз, юртимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, соғлом ижтимоий муҳитни мустаҳкамлаш, билиб-бил-

май нотўғри йўлга кирган инсонларни кечириб, уларни оиласи бағрига, тўлақонли ҳаётга қайтаришга қаратилган кенг қўламли ишларнинг узвий давомидир.

Бошқача айтганда, ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган шахсларни афс этиш, бу — алоҳида бир шахсни кечирибдан иборат бўлибгина қолмай, келажакка умид кўзи билан боқаётган болажонлар тақдирига нисбатан давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликнинг юксак намунаси.

Рамазон ҳайити қалбларни поклайдиган, дилларни бир-бирига боғлайдиган байрам. Шу улуг кунларда қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган шахсларни кечириб, қалби байрон бўлиб яқин инсонини кутаётган бутун бир оилани янгида ҳаётга қайтариш билан баробар. Зотан, адашганларга тўғри йўл топиши учун имкон бериш халқимизга хос бебаҳо ғазилатдир.

Ахтам ҲАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари.

Маҳкумларга яна бир имконият яратилмоқда

Конституциямизга кўра, ҳар қимнинг билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, бепул умумий таълим олиши давлат томонидан қамроланган. Шунга асосан, сўнгги йилларда озодликдан маҳрум этилган шахсларга ҳам таълим олиш ҳуқуқини бериш масаласи кўриб чиқилмоқда. Бунинг инсон ҳуқуқларига бўлган муносабатнинг юксак даражадаги кўриниши, десак, адашмаймиз.

Фикр

Ўтган қисқа даврда озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг умумий ўрта таълим олиши учун олтига жазони ижро этиш муассасасида умумтаълим муассасаларининг фаолияти, ўрта махсус, касб-хунар таълими олиши учун эса тўртта жазони ижро этиш муассасасида касб-хунарга ўқитиш марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда умумтаълим муассасалари ва касб-хунарга ўқитиш марказлари фаолият кўрсатмаётган жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими олиши учун, қолаверса, барча жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг олий таълим олишига янада кенгроқ шaroитлар яратиш, проба-ция хизмати учун кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш зарурати юзага келмоқда. Шу боис давлатимиз раҳбарининг “Жиноий жазони ижро этиш тизимини таъминлаш ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори лойиҳаси муҳокамага қўйилди.

Унда умумтаълим муассасалари ва касб-хунарга ўқитиш марказлари фаолият кўрсатмаётган жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими олиши учун, шунингдек, барча жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг олий таълим олиши учун имконият ва шарoитларни яратиш тизимини йўлга қўйиш назарда тутилган.

Бу маҳбустларни тарбиялаш ва рецидив жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Қарор лойиҳасида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг масофавий таълим шакли орқали умумий ўрта таълим олиши учун жазони ижро этиш муассасаларида фаолият кўрсатаётган умумтаълим муассасаларида, ўрта махсус, касб-хунар таълими олиши учун жазони ижро этиш муассасаларида фаолият кўрсатаётган касб-хунарга ўқитиш марказларида ва олий таълим олиши учун тегишли олий таълим муассасаларида махсус ўқув гуруҳлари ташкил қилиниши кўзда тутилган.

Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган собиқ талабаларнинг (ўқувчиларнинг) таълим муассасаларидаги ўқишини масофавий таълим шакли орқали давом эттиришини ташкил қилиш ҳамда озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг масофавий таълим шакли орқали таълим олиши ва фанларни ўзлаштириши учун зарур шарoитлар яратилишини таъминлаш назарда тутилган. Бу ҳам жуда қатта имкониятдир.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, маҳкумларга ҳатто олий таълимни олиш ёки ўқувни давом эттириш имконияти ҳам берилмоқда. Махсус ўқув гуруҳида таълим олувчиларнинг сони олий таълим муассасаларининг белгиланган умумий қабул квoтлари сонига кирмаслиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилиши эътиборга молик.

Хўжнат лойиҳасида китобхонлик маданиятини шакллантиришга қаратилган вазифалар ҳам белгилаб

қўйилган. Яъни жиноий жазога ҳукм қилинганларнинг ҳар ойда қамида битта тасвия этилган адабиётни ўқиши лозим бўлади. Жиноий жазога ҳукм қилинган шахсларнинг ҳулқ-атворини баҳолаш, жазосини енгилоқ қазога алмаштириш, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишда уларнинг таълим олиш ва касб-хунар ўрганишга виждондан муносабатда бўлганлигини ҳисобга олиш орқали китобхонлик маданиятини ҳамда маҳбустларнинг таълим олишга бўлган қизиқишларини рағбатлантириш режалаштирилган.

Қарор лойиҳасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси 2021 йил 1 апрелга қадар бўлган муддатда қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши ва ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлаш вазифаси қўйилган. Жумладан, масофавий таълим шакли орқали таълим олиш истигаида бўлган озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм этилган шахсларни ўқишга қабул қилиш, ҳужжатларини расмийлаштириш, топшириш, имтиҳонларни қабул қилиш ва натижасини эълон қилиш тартибига оид бир қатор норматив ҳужжатлар тайёрлаш вазифаси қўйилган.

Ушбу норматив ҳужжатларни тайёрлаш жараёнида адолатли, очиклик ва шаффофликни таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини ўрнатиш масаласига жиддий эътибор қаратилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жинoят-ижроия кодексининг 18-моддаси жазони ўташ жойларига кириш, деб номланган бўлиб, унга асосан, шикoятларни қўриб чиқиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текширишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга.

Ушбу қоидадан келиб чиқиб, таълим олиш истигаида бўлган озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилган шахсларни ўқишга қабул қилиш, шу жумладан, ҳужжатларини расмийлаштириш, топшириш, имтиҳонларни қабул қилиш ва натижасини эълон қилишда Омбудсман каби инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланувчи миллий институтлар вазифаларининг назорати назарда тутилса, бу манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш билан бирга, адолат ва шаффофлик таъминланишига хизмат қилади.

Қисқаси, қарор лойиҳасининг қабул қилиниши маҳкумларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш ва улар орасида китобхонлик маданиятини шакллантириш, умуман, жамиятга ижтимоий мослашувига ёрдам беради.

Лазиза ҒОҒУРОВА,
Олий Мажлисининг
Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили
(омбудсман)нинг Тошкент вилояти бўйича вакили, профессор,
Равно ТУРДИБЕКОВА,
халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати.



Андижонда бунёдкорлик кўлами кенгаяди

1 Яқиндагина фойдаланишга топширилган 16 қаватли уйда бўлиб, бу ерда истикомат қилаётган оилалар билан суҳбатлашиш чоғида вилоятда бу борада бажарилиши муҳим бўлган навбатдаги вазифалар хусусида ўз кўрсатмаларини берди.

Инсон зотиға яхши яшashi учун нима керак? Биринчи галда ўз уйи бўлса

кифоя! Ошёниға эға ҳар қандай одам зоти борки, энг аввало, оиласидан, фарзандларидан кўнгли хотиржам бўлади. Оиласида осойишталик ҳукм сурган кишининг эса ишида унум, топганида барака бўлади. Шу боис ҳам Президентимиз камбағаллиқни бартараф этишининг муҳим масаласи уй-жой билан таъминлаш эканлигини алоҳида ўқтирди. Андижон вилояти кейинги

уч-тўрт йил ичида ҳақиқий бунёдкорлик майдониға айланди. Қай бир кўчаға разм солманг, кўп қаватли уйлар барпо этилаётганиға гувоҳ бўласиз. Давлатимиз раҳбарининг бу галги ташрифи ана шу бунёдкорликларнинг янада кенг қулоч ёзишиға сабаб бўлди.

Шукржон МАМАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон Қоҳрамони,
халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши депутати.

Ногиронлиқни белгилашда сансалорлиқка йўл қўйилмайди

Бугун жамиятда тақдир тақозоси билан туғма хасталик ёки ҳаёт давомидида ортирилган бирор оғир касаллик ва фавқулодда ҳолатлар туфайли меҳнат қобилиятини йўқотган инсонларга бўлган эътибор кучаймоқда.

Эътибор

Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йил 1 декабрда қабул қилинган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг давлат томонидан қўлаб-қуватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларда муҳим ҳуқуқий асос бўлаётир.

Ушбу ҳужжатда белгиланган чора-тадбирлар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиши натижасида кейинги йилларда олтимиш тўрт минг нафар ёлғиз кекса, пенсияер ва ногиронлиги бўлган шахслар уйда тиббий-ижтимоий хизмат билан қамраб олинди. Реабилитация техник воситалари ва протез-ортопедия бўюмларига муҳтож бўлганларга юз минг дoна шундай воситалар етказиб берилди. Тиббий-ижтимоий муассасаларда икки юз миллиард сўмдан кўпроқ қурилиш-реконструкция ишлари амалга оширилди.

Юртимизда аҳолининг ушбу қатламини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг барқарор тизими қурилди. Аммо бугунги давр шиддат ҳар соҳани тубдан такомиллаштиришни талаб қилади. Жумладан, қонунчилик ҳам.

“Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя

қилиш тўғрисида”ги янги тахрирдаги қонун қабул қилинганига 14 йил бўлди. Мазкур ҳужжатда ногиронлиққа, асосан, тиббий тушунча сифатида ёндашилиб, бундай инсонларнинг жамиятга фаол интеграциялашувини таъминлаш борасида ҳуқуқий асослар етарлича акс эттирилган.

Халқаро тамойиллар ва миллий қонунчилигимиз тахрибасидан келиб чиққан ҳолда, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини кенг қамролда ҳимоялай оладиган янги қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурати юзага келди. Бугунги кунда парламент қуйи палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги янги қонун лойиҳасида ана шундай устувор вазифалар ўз ифодасини топган.

Миллий қонунчиликда мавжуд бўлмаган “ногиронлик белгиси бўйича қамситиш”, “ногиронлиги бўлган шахсларнинг нодавлат но-тижорат ташкилотлари”, “протез-ортопедия бўюмлари”, “абилитация”, “сурдотаржима”, “сурдотехник воситалар”, “тифлотехник воситалар” каби янги тушунчалар киритилляпти.

Сир эмас, ногиронлиги бўлган

шахсларнинг тиббий-ижтимоий ҳимояси ҳақида гапирилганда, тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари (ТМЭК) томонидан ногиронлиқни белгилаш, ногиронлиқни қайта-қайта тасдиқлаш каби муаммолар эътирозларга сабаб бўлади. Бу ҳақда кўп эшитамиз. Амалдаги тартибда белгиланган муддатдан олдин тиббий қўриқдан ўтказиладиган касалликлар рўйхати тасдиқланмагани сабабли айрим ҳолларда ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган шахслардан ҳам ҳар олти ойда ёки йилга бир марта шифохоналарда даволаниш кўзда тутилмоқда.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш мақсадида ногиронлиқни белгилаш механизмларини ва унинг муддатларини, тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан бир қатор янги нормалар қонун лойиҳасига киритилляпти.

Қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида муҳокамалар ташкил этилди. Шунингдек, кенг жамоатчилик фикр-мулоҳазалари ҳамда тақлифлари асосида шу кунларда қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланляпти.

Умуман, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини қучайтириш, уларни жамият ҳаётида фаол иштирок этишида муҳим омил бўлади.

Мухторжон ҲОЖИМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Аҳолини камбағалликдан олиб чиқишда Каттақўрғон тажрибаси

Бугунги кунда Каттақўрғон шаҳрида коронавиринг инфекцияси аниқланмаган бўлса-да, барча ишларни карантин қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда ташкиллаштиришмоқдамиз.

Жараён

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида 1053 та эхтиёжманд оила ва ушбу хонадонларда яшовчи меҳнатга лаёқатли бўлган 1500 та оила аъзоларининг рўйхати шакллантирилди. Уларни йил якунигача камбағалликдан халос этган ҳолда, доимий даромад манбаига эга оилаларга айлантиришни мақсад қилганмиз.

Шаҳарда “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати бўйича 289 та тадбиркор ёрдам кўрсатиш ташаббуси билан текширишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга.

Ушбу қоидадан келиб чиқиб, таълим олиш истигаида бўлган озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилган шахсларни ўқишга қабул қилиш, шу жумладан, ҳужжатларини расмийлаштириш, топшириш, имтиҳонларни қабул қилиш ва натижасини эълон қилишда Омбудсман каби инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланувчи миллий институтлар вазифаларининг назорати назарда тутилса, бу манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш билан бирга, адолат ва шаффофлик таъминланишига хизмат қилади.

Қисқаси, қарор лойиҳасининг қабул қилиниши маҳкумларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш ва улар орасида китобхонлик маданиятини шакллантириш, умуман, жамиятга ижтимоий мослашувига ёрдам беради.

тўхтатган ва иш ҳажмини камайтирган 203 та корхонадан 148 тасининг фаолияти тикланди. Бундан ташқари, фаолиятини тўхтатган 380 та якка тартибдаги тадбиркорлар 96 тасининг фаолияти тикланди.

Пандемия даврида камбағал оилаларнинг 1508 нафар, ишламаётган корхоналарнинг 158 нафар ҳамда чет элдан қайтиб келган фуқароларнинг 57 нафари, жами 1723 нафар аҳолининг бандлиги ишламаётган корхоналарни ишга тушириш, қўймати 63 751,0 миллион сўмлик 22 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш, жамоат ишларига жалб қилиш, янги кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш, “Хар бир оила — тадбиркор” дастурига асосан рўёбга чиқариладиган лойиҳалар ҳамда Бандликка қумаклашмиш давлат жамғармаси ҳисобидан шахсий гача муддатга 95,1 миллион сўм миқдориди (ер, мол-мулк ҳамда сув) солиқ таътиллари тақдим қилинди. Шунингдек, пандемия сабабли ҳудуддаги тижорат банклари филиаллари томонидан жами 214 та субъектга қарийб 89 миллиард сўм миқдориди кредит тўловчи муддатлари узайтириб берилди. Март-апрель ойларида фаолиятини

рида ҳудудий экспорт режа кўрсаткичи 3 миллион АҚШ доллари бўлиб, амалда тўлиқ ба-жарилди. Бугунги кунда 5 та ин-вестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 29 миллиард сўм бўлган маҳаллий инвестиция маблағлари ўзлаштирилди. Маҳаллий бюджет даромадларининг 1-чo-рак режаси 600 миллион сўмга ошиги билан бажарилиб, шаҳар ихтиёрида қолди.

Шунингдек, 2020 йилда қўшимча умумий қиймати 164 миллиард сўмлик 9 та янги лойиҳани ўз ичига олган дастур ишлаб чиқилган бўлиб, жами 1000 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари, ти-жорат банклари билан қиймати 220 миллиард сўмлик 21 та лойиҳа ишлаб чиқилди ва йил якунигача амалга оширилиши тадбиркорлар билан келишиб олинди.

Шаҳар аҳолисини камбағал-ликдан чиқариш, уларга иш ўрни яратиш, зарур эхтиёжларини ўрганиб, шунга муносиб тарзда ёрдам бериш учун оилаларнинг мольвий аҳоли бўйича шакл-лантирилган рўйхатлар аниқ ме-зонлар билан тўлдирилди. Сек-торлар ҳудудидаги кам таъмин-ланган, камбағал аҳолини бу ва-зиятдан чиқариш учун мақсад-ли ишларни амалга ошириш ре-жаси тузилди. Хар бир сектор раҳбари ўз ҳудудидаги камба-ғал аҳолиға ёрдам кўрсатиш чо-раларини кўрляпти.

Айтиш керакики, ушбу ёрдам кўрсатиш фақат кам таъминлан-ган, ижтимоий ҳимояга муҳтож

Барқарор ривожланиш мақсадлари:

2030 ЙИЛГАЧА ТАЪЛИМ ОЛИШ СИФАТИ ЯНАДА ЮКСАЛАДИ

2015 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон БМТ саммитида эълон қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларининг миллий даражада бажарилиши бўйича шартларини қабул қилди. Шунга кўра, 2018 йил 20 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Нуктаи назар

Ушбу ҳужжат ўзида 16 та мақсад ва 225 та вазифа-ни қамраб олган бўлиб, Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясига тўлиқ Ҳамоҳангдир. Унинг асосида аҳоли учун қулай шарт-шaroит яратиш, одамлар са-ломатлигини муҳофазалаш, иқтисодиётни ривожланти-риш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

БМТ Барқарор ривожла-ниш мақсадларининг тўртин-чиси — “Сифатли таълим”га бағишланган бўлиб, Ўзбе-кистон бу соҳада изчил ис-лохотлар олиб борляпти.

Юртимизда таълим соҳа-сида инновацион ва креатив фикрлайдиган замонавий кадрлар тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш мақсадида таълим тизимини такомил-лаштириш масалаларига ус-тувор аҳамият қаратилляпти.

Ота-оналар, жамоатчилик истаги инoбатга олиниб, юр-тимизда 11 йиллик мактаб таълими тизими қайта тикланди. Сўнгги уч йилда 157 та умумтаълим мактаби янгида қурилди. Миллати-мизнинг буюк намояндала-ри бўлган Мирзо Улугбек ва Мухаммад Ҳoразийнинг номи-да иктидорли болалар мак-таблари ташкил этилиб, улар қолдирган бой илмий ме-росни ўрганиш ҳамда бу соҳа-ни тараққий эттириш билан шуғулланадиган ёшларнинг янги авлодини тарбиялаш-дек шарафли жараён бош-ланди. Ҳамид Олижонн ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Исҳоқхон Ибра-т, Мухаммад Юсуф, Огаҳий, Абдулла Қодирий, Ҳалима Худойбердиева номида-ги ижод мактаблари, “Темурбеклар мактаби”, Президент мактабларининг бўлиб-дехи этилиши эса ёш авлод вакиллари учун янги имкониятларни очиб берди.

Педагог ҳодимлар меҳна-тини рағбатлантириш мақса-дида охириги 3 йилда ўқитув-чиларнинг иш ҳақи ўртача 2,5 барoбар оширилди. Узоқ туманларга бoриб ишлаётган педагог кадрлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича аниқ меzonлар белгиланди. Улар-га 50 фоизгача қўшимча ой-лик устамалар тўланмоқда. Бу олис ҳудудларда етши-маётган мингдан зиёд

ўқитувчиларни жалб этиш имкони бeрди.

Ҳозирги кунда “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг янги тахрири қуйи палатада қабул қилинди. Уни ишлаб чиқиш жараёнида 20 дан ортиқ хо-рижий давлатларнинг таъ-лим тўғрисидаги қонунлари ўрганилди. 30 га яқин вази-рлик ва идоралар, таълим со-ҳасида фаолият юрлятаётган 50 дан зиёд мутахассислар ва 100 дан ортиқ фуқаролар қонун лойиҳаси бўйича фикр-мулоҳаза ҳамда тақ-лифларини билдирди. Янги тахрирда ишлаб чиқилган ушбу ҳужжатда боьлар сони 5 тадан 12 тага ва модда-лар сони 34 тадан 70 тага етказилди. Унда амалдаги қонуннинг 33 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар ки-ритилиб, мазмунан тўлди-рилди ҳамда илгор хорижий давлатлар тахрибаси ино-батга олинган ҳолда 36 та янги модда қўшилди.

Давлатимиз раҳбарининг юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисидаги, шунинг-дек, математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ри-вожлантириш чора-тадбир-лари тўғрисидаги қарорла-ри юртимизда соҳалар бўйи-ча таълим сифатини яхши-лаш, илмий тадқиқотларнинг натижадорлиги ва амалий аҳамиятини оширишнинг мақсади дастурини тасдиқ-лаш, соҳага иктисoслашти-рилган мактабларни бoсқич-ма-бoсқич ташкил этиш бо-расидаги муҳим масалалар-нинг ҳал этилишини таъмин-ляйди.

Барқарор ривожланиш мақсадларининг миллий ин-дикаторлари ва вазифалари қаторида, умумқамровли ва сифатли таълимни таъмин-лаш ҳамда барчага бутун умри давомиди таълим олиш имкониятини рағбатлантириш мақсади бўйича 2030 йил-гача ўқитувчиларни тайёр-лаш, қайта тайёрлаш ва ма-лакасини ошириш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш орқали педагоглар сонини жиддий равишда қўпайти-риш мўлжалланган.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

тенг (1 кишига 162,7 кв.м. тўғри келад). Ҳудудда йирик инвес-тициявий ва ҳудудий лойиҳалар-ни амалга ошириш учун захира ер майдонлари мавжуд эмас-лигини инoбатга олиб, шаҳар-га туташ қўшни Нурoбод ва Каттақўрғон туманларидаги 1 минг 200 гектар лалми ва яйлoв е

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● Шу пайтгача бу чорраҳадан соатига 7 мингта автомашина ўтар эди. Энди эса бу кўрсаткич **22 мингтага** етди.

● Бу ерда, умуман, светофор йўқ.

● Янги объект Тошкент — Чимён ўртасидаги масофани **22 километрга** қисқартиради.



Мега лойиҳанинг ўзига хослиги нимада?

➡ Тошкент шаҳрининг энг катта чорраҳаларидан бири — Охангарон шоссеси ва Паркент ҳамда Махтумқули ва Шарқий аэропорт кўчаларини боғловчи янги транспорт ечимини айни шунга хизмат қилиши билан аҳамиётлидир. Ушбу мега лойиҳа “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг “Кўприк қурилиш трести” унитар корхонаси жамоаси томонидан икки йил давомида амалга оширилди. Марказий Осиёнинг энг йирик мегаполиси

шаҳрига айланиб бораётган Тошкент шаҳрида уч миллионга яқин аҳоли истиқомат қилишини инобатга олсак, пойтахт учун бундай иншоотлар зарур.

Бу каби бунёдкорликлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Бунинг замирида тинимсиз меҳнат, илм, изланиш ва катта маблаглар ётибди. Мухими, мамлакат ҳамда халқ равнақига хизмат қилувчи бундай ташаббусларнинг ҳар бири давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида.



Жаҳонгир НАБИЕВ, “Кўприк қурилиш трести” унитар корхонасининг Лойиҳаларни координациялаш гуруҳи раҳбари ўринбосари:

— Аввало, шунга таъкидлаш керакки, маскур иншоот ўзгача ечимга эга эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Уч погоннали йўлўтказгич биз учун янгилик эди. Шу боис уни лойиҳалашдан тортиб, қуриб битказилгунгача бўлган ҳар бир жараёнга масъулият билан ёндашилди. Масалан, халқаро тажрибаларни ўрганиш мақсадига АҚШ ва Дубайдаги

шундай иншоотлар намуналарига таҳлил этилди. Албатта, туннель қазिश, кўприк ва йўл барпо этиш осон иш эмас. Иншоот пишшиқ ва мукамал бўлиши учун ҳар бир жиҳат инобатга олиниши лозим. Бундан ташқари, илгари барпо қилинган шунга ўхшаш иншоотлар устунлари декоратив қўринишига эга эмас. Бунда эса ҳар бир устун замо-

नावий ва миллий нақшлар билан безатилган. Учинчи қаватни асфальтлашда ҳам ушбу қурилиш материалининг янги тури — майда доналисидан фойдаланилди. Натижада унинг чидамлилиги ва юк кўтариш қуввати янада яхшиланди. Бу ердаги ландшафт ҳам ўзига хос. 5,5 гектар майдон иншоотга мос тарзда ободонлаштирилди.

Динимиз таълимотларига кўра, ҳайит кунлари оила ичиде байрам қайфиятини ҳосил қилиш керак. Оила аъзоларига, янада яхши бўлади.

Абу Хурайра розиаллоху анҳудан ривоят қилинади: “Набий саллаллоху алайҳи васаллам: *“Ўзаро ҳадя беришинглар, бир-бирингизга муҳаббатингиз бўлади*”, деганлар. (Байҳақий ва бошқалар ривоят қилган).

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Шукур

Рамазон ҳайити кунлари бу йил карантин жорий этилган пайтга тўғри келган бўлса-да, байрам ўз номи билан байрам. Кўпчилик юртдошларимиз айёмага одатдагидек уйларини тартибга солиш, байрам дастурхонига ширинликлар тайёрлаш ёки фарзандлари учун совғалар сотиб олиш билан тайёрланишмоқда.

Ҳайитни уйда нишонлаймиз

Жорий йилги Рамазон ҳайити олдингиларидан фарқ қилади, чунки ушбу байрамда масжидларда ҳайит намози ўқилмайди, уни уйда, оила аъзоларимиз даврасида нишонлаймиз.

Рамазон ҳайити барча мусулмонлар учун алоҳида аҳамиятга эга. Бу кун уй ичиде ёки ташқарида нишонланишидан қатъи назар, қувонч ва хурсандчилик кунидир. Расулulloх саллаллоху алайҳи васаллам: “*Ҳар бир қавмининг ўз байрами бор, бу (Йид кун) бизнинг байрамимиздир*”, деганлар.

Ҳайит, бу — Аллоҳ таолога Унинг берган неъматларига шукр қилиш, улардан қувонишдир. Мусулмон киши байрам кунлари рияз қилиши керак бўлган бир қатор одоб-ахлоқ қоидалари бор. Жумладан, ҳайит кунини рўза тутуш ман этилган. Умар розиаллоху анху ўз хутбаларида бундай деган: “Эй, одамлар, Аллоҳнинг расули саллаллоху алайҳи васаллам бу икки байрам кунлари рўза тутушини ман қилди. Бири рўзанингиздан оғиз очган кунингиз бўлса, иккинчиси, қурбонлиқларингиз гўшларидан ейдиган кунингиздир” (Имом Бухорий ривояти).

Шунингдек, бу кунда мусулмон киши энг яхши қўринишда бўлиш, Аллоҳнинг унга берган неъматларини кўрсатиш билан Унинг фазлига шукр қилиши керак.

Ушбу кун одобларидан яна бири ҳайит билан табриқлашдир. Бу сафар телефонлар орқали бир-биримизни чин дилдан, самимийлик ила “Йид муборак!” ёки “Ҳайит айёмингиз билан!” ёки “Ҳайитингиз муборак бўлсин!” каби иборалар билан табриқласак, қалбларимиз янада чароғон шукр қилиши тайин. Расулulloх саллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобалари ҳайит кунини учрашиб қолишса, бир-бирларига: “Аллоҳ биздан ҳам, сиздан ҳам қабул қилсин”, дейишган.

Байрам кунлари бахт ва қувончни намойиш этиш, хурсандчилик қилиш, одоб доирасидан чиқмаган ҳолда нишонлаш динимиз қўсма-ларидандир. Мусулмон киши бу кунларда исрофгарчилик-

дан, вақти ва топганини беҳудага соғуришдан, динимиз тақиқланган нарсалардан сақланиши талаб қилинади.

Шунингдек, ҳозирги карантин шароитидан келиб чиқиб, ҳаммамиз ҳамжихатликда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кўрсатма ва тавсияларига амал қилиб, қариндошларимизни, яқинларимизни Рамазон ҳайити билан табриқлашда, кексалар ва беморларнинг ҳолидан хабар олишда карантин талабларини унутмаслигимиз зарур. Байрамни оила аъзоларимиз билан биргаликда кўтаринки руҳда ўтказиш, нурунийларимизнинг дуоларини олиш, ўтганларимизнинг ҳаққига Қўрьон тиловат қилиб, савобини уларга бағишлаш мақсадга мувофиқдир.

Ҳайит кунлари, айниқса, бу йилги пандемия даврида гуруҳ-гуруҳ бўлиб, таъзиягарчилик қилишимиз Рамазон шукруига мутлақо тўғри келмайди. Шунингдек, аёлларимиз ҳам ҳайит кунлари “Келин қўрди” каби маросимларни ўтказишлари шариатга ҳам, карантин талабларига ҳам зиддир.

Фурсатдан фойдаланиб, юртдошларимизни Рамазон ҳайити муносабати билан самимий муборакбод этамиз. Барчамиз уйда, оила даврасида қолиб, карантин қоидаларига қатъий рияз қилган ҳолда байрамни нишонлаймиз. Зеро, динимизда зарарни даф қилиш фойдани жалб қилишдан олдинга қўйилади.

Иброҳимжон ИНОМОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари.

Бугуннинг гапи

ХОТИРЖАМЛИККА БЕРИЛИШГА ҲАЛИ ЭРТА

Шу боис карантин қоидаларига қатъий амал қилиш зарур.

Президентимиз томонидан ўз вақтида қўрилган чоратadbирлар натижасида мамлакатимизда коронавирус инфекциясининг кенг тарқалиб кетишига йўл қўйилмади. Юртимизда эпидемиологик вазият барқарорлашиб бормоқда.

Шу жиҳатлар ҳисобга олиниб, карантин тадбирлари босқичма-босқич юмшатишмоқда. Эпидемиологик ҳолатдан келиб чиқиб, ҳудудларни “яшил”, “сарик” ва “қизил” зоналарга ажратган ҳолда, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига руҳсат берилмоқда. Очiq сайилгоҳлар, музейлар, санъат галерейлари фаолияти тикланяпти. Одамлар шахсий автомобилларидан фойдалана бошладди.

Бирок, шунга алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳудудлар кесимиде карантин тартиб-қоидаларининг енгилаштирилётгани мутлақ эркинлик дегани эмас. Бу ҳар биримизни ўз соғлиғимизга бўлган масъулиятни яна бир неча баробар оширишга ундаши лозим.

Афсуски, айрим юртдошларимиз буни тўғри англамай, жамоат жойларида ижтимоий масофани сақлаш, уч кишидан ортиқ бир жойда тўпланмаслик, тиббий нирқоб тақиш, санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш тартибларига панжа орадан қарай бошлади. Оқибатда бу бепарволик фақатгина ўзимизга зиён қилмоқда.

Айниқса, кейинги кунларда коронавируси юктириш ҳолатларининг аскарияти аҳоли орасидан аниқланаётгани оданим хавотирга солади. Жумладан, 22 май кунини ушбу хавфли инфекцияни юктирган 69 нафар беморнинг 46 нафари аҳоли орасида қайд этилган.

Кунга кеча “Уриқзор” савдо мажмуаси МЧЖдаги озиқ-овқат дўканида сотувчи бўлиб ишловчи фуқарода коронавирус инфекцияси тасдиқланди. Айни пайтда ушбу бемор билан мулоқотда бўлган барча фуқаролар ўрнатилган тартибда қатъий карантин кузатувида олинди. Шунга кўра, эпидемиологик суриштирув ишларини ўтказиш ҳамда касаллик тарқалишининг олдини олиш, санитар тозалаш ва зарарсизлантириш ишларини ўтказиш мақсадига савдо мажмуаси фаолияти вақтинча тўхтатилди.

Маскур жиҳатларни инобатга олиб, юртдошларимизни янада эҳтиёткор бўлишга чақирамиз. Чунончи, коронавирус касаллигининг янги тури бўлгани боис, унинг қўл

қирралари ҳали фанга аён эмас. Жумладан, ташувчанлик даражаси ҳам. Масалан, баъзи бир юкүмли касалликлар 5 — 10 фоиз ташувчанлик даражасига эга. Коронавирус инфекциясига келсак, унинг 80 — 85 фоиз ҳолатда енгил кечиши Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қайд этилди. Шу боис ушбу хасталикни енгили ўтказганлар орасида ташувчанлик ҳолати, кам фойзда бўлса ҳам, шаклланиши табиий.

Айрим автоулов ҳайдовчиларининг тиббий нирқобни иягига илиштириб кетаётганига ҳам қўзимиз тўшмоқда. Бу уларнинг инфекцияни юктириб олиш хавфини оширяпти. Улар мана шу оддий гигиена қоидасига амал қилмаётгани оила аъзолари саломатлигига катта хавф туғдириши мумкинлигини англамаётгани киши дилини хира қилади.

Баъзи кишиларнинг дўконлар, дорихоналар, тиббиёт муассасалари ва кўчаларда ижтимоий масофани сақламаётганини тушиниш кийин. Ахир масофа ақинлашганда касалланган одамдан чиққан зарарчалар сизнинг юзингиз, кўзингиз, терингиз ва кийимларингизга тушади. Шу орқали вирусни уйингизга олиб келишингиз, яқинларингизни зарарлашингиз мумкин. Узингни асрасанг, ўзгани асрайсан, деб бежиз айтишмаган.

Қисқача айтганда, коронавирусининг мамлакатимиз бўйлаб кенг тарқалиб кетмаслигига катта таъбағ, куч ва воситалар сарфланмоқда. Бирок бу “қўриммас ёв” ҳали бутунлай мағлуб этилмади. Шундай экан, эътиборсизликка йўл қўйиб, унинг ўлжасига айланиб қолмайлик. Хушёр бўлайлик!

Иброҳим МАМАТҚУЛОВ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария эпидемиологик осойишталик агентлигининг фавқулодда вазиятлар бўйича бош мутахассиси, Халқаро тиббий-санитария қоидалари координатори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги жамоаси таниқли ношир, биринчи ўзбек Энциклопедияси асосчиларидан бири, Мирзо Улуғбек туманидаги “Алишер Навоий” маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Юсуф ЭШОНКУЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия иброз этади.

Маънавият

Қалбларимизни қувончга тўлдириб, барча ватандошларимизни эзгуликка, саховат ва кўмакка қорлаган муборак Рамазон ойи ниҳоясига етиб, унинг доирасида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинмоқда. Аслида ҳам, Рамазон — эзгулик, яхшилик, савоб амаллар кўп қилинадиган, қўллаб-қувватланадиган ой. Рамазон — хайр ойи, саховат ойи.

Аввалгиларидан ўзгача — турли синовларга бой кечган бу йилги Рамазон ойида ҳам савобга ташна, қалби яхшиликларга тўлиб-тошган, ёрдамини ўзгалардан дариг тутмаган кўплаб ватандошларимизнинг хайри ишларига гувоҳ бўлдик.

Дунё бошига ташвиш бўлиб келган пандемия, табиатнинг инжиқликлари тўфайли юзага келган ноқулайликлар ҳалқимизнинг тарихан шакланган фазилатларини намён қилиб, барчамизни ягона эзгу гоа атрофида бирилаштирди, жипс-лаштирди.

Ўзбек халқи азалдан хайру саховат, кўмак, муҳтожга ёрдам беришда намўна бўлган. Ёзма манба ва фикримизни тасдиқлайди. Бу халқнинг бойлари саховатпеша бўлган. Савоб амал қилишни ўзига масъулият, мажбурият, бурч ҳисоблаган.

Манбаларда юртимиз ерлари серхосли ва унумдор, деб зикр қилиниши баробарида одамлари саховатли, илмли, инсонпарвар экани алоҳида таъкидланади. Жумладан, Ўрта асрлар тарихи ва географи Қазвинининг “Мамлакатлар тарихи ва одамлар хабари” номли китобида Мовароуннаҳр ҳақида қилдиги маъмулотлар ёзиб қолдирилган: “Ушбу мамлакат аҳолиси бағрикенг, маърифатпарвар, динда солиҳ ва яхши инсонлар бўлиб, улар гўё бир оиладек, ўзаро иттифок, бир-бирига кўмак бериб яшайдилар. Ушбу мамлакат одамлари ўта саховатли, кенфезли бўлгани учун ҳар қандай маҳаллий ёки четдан келган меҳмонга илтифотли бўлиларди ҳамда бу билан меҳмон ўзини ўз уйидагидек ҳис этади. Ҳар бир кишининг ҳиммати баланд, ўз қўлидагини бошқаларга беради, таънаган ва таниманганга ҳам хайру саховат қилади. Бунинг авазига эса ҳеч нарсани тамаъ қилмайди, муқофот қутмайди”.

Бой тарихимизни эслаганда, буюқ аждодларимиз уларнинг улкан илмий меросини зикр қилмасликнинг илоҳи йўқ. Ушбу мўътабар зотларнинг асарларида инсонларга яхшилик қилиш, кўмак кўрсатиш ва саховатли бўлиш энг олижаноб ишлар сифатида тилга олинади. Уларнинг ибратли ҳаёт йўлларини, эзгулик ва яхшилик мазмувидаги қимматли китобларини ўқир эканмиз, қалбларимизга таскинлик қилади. Зеро, буюқларнинг хайрли ишларини эслаш, инсонпарварлик бораидаги ибратли ҳаётий ўғитларини ёдга олиш фойдадан холи эмас.

Ўрта Осиёда ханафийлик мазҳабининг кенг тарқалишига катта ҳисса қўшган Абу Ҳафс Кабир Бухорий ҳаёти кўпчиликка намўна бўлган. У муҳтожлар мушкилини осон қилиш ва очарчилик йилларида бозордаги нарх-навоини ошиб кетмаслиги учун бор мол-мулкни сарфлагани бунга мисолдир.

Ривоят қилинишича, Бухорода бир йил ҳақчилик бўлиб, маълум ўлчамдаги бугдойнинг баҳоси 100 тангача етганда, Абу Ҳафс Кабир Бухорий бозордаги барча

бугдойни шу нархда сотиб олиб, аҳолига ўн танга арзонига, яъни 90 тангадан сотган ҳамда бу билан ўз ҳисобидан муҳтожларга кўмак кўрсатган экан.

Олим бу билан кифояланмай,

Саховат ҳаётимиз мазмунини бўлиб қолсин

кейинги босқичларда 80 танга, 70 танга, токи бугдой баҳоси 10 тангача тушунга қадар нархини тушириб бораверган ва натижада ўз ватандошлари жонига ор қирган. Унинг ҳисобдори: “Хожам, биз улкан зарар қўрдик. Ҳазинамиз деярли бўшаб қолди”, деганда Абу Ҳафс Кабир Бухорий: “Сен билмабсан, биз охираат ҳазинасини тўлдирик”, деб жавоб берган экан.

Алломоннинг саховати бу билан тўхтаб қолмаган. Айтилишича, қарз оилаларга қарзни қайтаришни сўрамас, ақсинча, унутиб юборар экан. Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг бу фазилатлари халқпарварлигидан, саховатпеша инсон бўлганидан дарик беради. У шоғирдларига, ўз муҳлисларига, атрофидаги барча-барча бу фазилатларни тарғиб этиб, ҳаммаша эзгуликда, инсонпарварликда бардавом бўлишга даъват этган.

Бундай саховатни тасаввуфий қарашларда ҳам қўриш мумкин. Ўрта асрларда Ватанимиз ҳудудида муҳтож кишилар учун ҳолис хизмат қилган, фақат яхшиликни ўйлаб, эзгулик улашишдан чарчамайдиган, борини ўзгалар билан баҳам қўрадиган кишиларни жавонмаъд, яъни “мард йигит”, деб аташ, ҳатто уларнинг эзгу қарашларини “жавонмардлик ҳаракати”, деб уलगлаш урфга кирган. Ушбу гоа тасаввуфий қарашларга, унинг амалий фаолиятига чуқур сингиб кетган.

Тарикат тарихига назар солар эканмиз, Хожа Ахрор Валий ҳазратларининг ҳам саховат ва муруватда ибрат бўлганига гувоҳ бўламиз. Умаршайх Мирзо Тошкентнинг бир йиллик хирожини талаб қилиб, лашкар тортиб келганда, шаҳар аҳолиси 250 минг динорни ташкил этувчи бу хирожни қашшоқлик тўфайли тўлолмаган. Шунда Хожа Ахрор Валий Умаршайхга бу хирожни ўзи тўлаган, шунингдек, Тошкент аҳолисининг қишдан қийналмай қиши учун яна 70 минг динор тўхфа қилган.

манфаатидан кечиб, имкон қадар маҳалладошининг, жамиятининг фаровонлигини таъминлашга, бошқаларга кўмак, ёрдам беришга интилган. Бундай ҳолатларни юртимизнинг бошқа қадимий шаҳар ва масканлари тарихидан ҳам ўқиб билишимиз мумкин.

Халқимизнинг бундай эзгуликлари яқинда ўтган Хотира ва Қадрлаш кунини ҳам кўп эсланди. Иккинчи жаҳон уруши даврида уруш олови ичиде қолган ҳудудлардан юртимизга 1 миллиондан ортиқ қишлар кўчириб келтирилди. Уларнинг 200 минг нафардан зиёди болалар эди. Халқимиз уларга бошпана бериб, сунгги бурда нонини ҳам баҳам қўриб, ота-онасидан ажралган болаларни ўз фарзандларига қатори тарбиясига олиб, бутун дунёга ҳақиқий инсонпарварлик фазилатларини намойиш этди. Масаланнинг яна бир эътиборли томони шундаки, ўзбек оилаларига қабул қилинган бирорта бола болалар уйига топширилмаган. Ушбу чин инсонийлики бугунги кунда хорижадаги кўплаб мутахассислар ва оддий фуқаролар ҳам эътироф этишмоқда.

Шонли тарихимиздаги бундай намунали мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Лексин айрим ҳолларда “Саховат ва кўмакнинг инсонга қандай фойдаси бор? Саховатпеша йиғиб топган маблағини бошқаларга бермоқда-ку?” деган савол тўғилиши ҳам мумкин. Бунга ҳам аждодларимиз асарларида етарлича жавоб берилган. Масхур муфассир, фикх илми билимдони Абу Лайс Самарқандий бунга қуйидагича жавоб беради:

Саховат кўрсатган кишига ўнга яхшилик бор. Улар:

— ўзига ато этилган молу мулкни поклайди. Унда бу борадаги шубҳа йўқолади;

— саховат эгаси билиб ё билмай қилган гуноҳларидан тозаланади;

— турли касаллик ва болалар йироклашади;

— мискинлар қалбига хурсандчилик улашилади, ҳонадонларга яхшилик кириб боради;

— саховат қилганининг молида баҳарга кўпайиб, ризқи кенг бўлади;

— саховат қўишсиз кунда эгасига соя бўлади. Яъни ҳеч ким ёрдам бермайдиган кунда банд савоб амаллари сабаб кечирилди;

— саховатпеша инсоннинг савол-жавоби енгил кечади;

— саховатнинг юки огир. Чунки жозибаси кучли бўлган дунё молларидан саховат қилиш чин илос ва имон белгисидир. Шунинг учун саховат қиёмат кунини огир амал сифатида гуноҳлардан устун бўлади;

— сирот кўпригидан тез ўтишда ёрдамчи бўлади;

яхшилик қилса, унга етти юз баробар ажр-муқофотлар берилиши айтилади.

Тўғри, саховат улуг ва савобли иш, бирок унинг микдори ва қанчаллиги ҳар кимнинг имкониятига боғлиқ. Энг асосийси, у ҳолис ният ва илос билан амалга оширилиши, тама ва миннатдан йирқ бўлиши талаб этилади. Қалом илми алломаси Абу Ҳафс Умар Насасфий бу борада шундай ёзади: “Аллоҳ таоло қилинган эҳсоннинг қанчаллигига эмас, банданинг илосига қарайди. Шундай экан, Пайғамбаримизнинг “**яхши сўз ҳам садақадир**”, деган ҳадисларига биноан иқтисоди қўмакка қўриб етмаган инсон ширин сўзи, ўз хатти-ҳаракати ва ҳисоний меҳнати билан бўлса ҳам ўзгаларга ёрдам бериши, уларни руҳан қўллаб-қувватлаш керак”.

Алломаларимиз деярли барча асарларида, панд-насихатларида, феъл-атворларида саховат ва кўмак ишлари ҳаммаша бирламчи масала бўлиб келган. Халқимизнинг қонига буюқ аждодлардан мерос қадриятлар, инсонпарварлик, саховат, ҳаммаша кўмакка шайлик сингиб кетган. Бу эзгу фазилатлар бугунги кунда юртдошларимизнинг хатти-ҳаракатида, ўзаро ҳамжихатлигида, бирдамлигида намён бўлаётганини кўриб, шубҳасиз, қалбимиз фахр-ифтихорга тўлади.

Дарҳақиқат, халқимиз тарихда ҳам, бугун ҳам эл бошига шн тушганда бир-биридан саховатини дариг тутмади. Жамиятимиздаги кўмакка қодир кишиларнинг саховати огир дилларда катта жасорат билан амалий фаолиятларида намён бўлди. Рамазон ойи давомида юртимизнинг айрим ҳудудларида содир бўлган офатлар тўфайли азият чеккан оилаларга кўмак кўрсатишда халқимиз бир тану, бир жон бўлиб жиқлашди. Шу маънода, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати фақатгина пандемия сабаб қийналиб қолган кишиларга эмас, балки кўмакка муҳтож барча ватандошларимиз учун умид ва нажот манбаи бўлди.

Рамазон ойи ўз ниҳоясига етиши билан бу хайрли ҳаракат тўхтамайди. Юртобимиз тақлифи билан ҳаётимизга кенг татбиқ этилган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати тўфайли халқимиз орасида кенг қулоч ёйган эзгулик, меҳроқибат, саховатпешалик ва савоб-талаблик давом этаверади.

Синовли кўнарларнинг машаққати ортда қолмагунча, бу кўнарлардан жабр тортган сўнги юртдошимиз ўзини тутиб олиб, қўрган-кечирганларини унутмагунча хайрли ишларда фаол бўлишдан асло тўхтамай, жонбозлик кўрсатиб, ҳаммаша ёрдамга интилиб яшашимиз керак. Зеро, қалбга таскинлик билан хурсандчилик олиб келадиган энг гўзал амал эҳтиёждан одамга кўрсатишдан кўмакдан қўи қувонч ёшига тулишини қўришдир. Қалбнинг таскини, руҳнинг ҳаловати саховат ва кўмак ишларини амалга оширишда экан, ушбу эзгуликлар умримизнинг мазмунини, амалий фаолиятимиз асоси бўлиб қолсин.

Даврон МАХСУДОВ, Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти.



МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ УЧУН ДАСТЛАБКИ ИНТИЛИШЛАР

ХАЛҚАРО ШАРХ

Коронавирус пандемияси жаҳон миқёсида одамлар ҳаётини ўзгартириб юборди. Бу жиҳат турли тузилмалар иш услубига ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Айниқса, халқ вакиллари фаолият юритадиган дунё парламентлари ҳам бундан мустасно бўлмади. Қаердадир депутатлар масофадан туриб ишлаш тартибига ўтган бўлса, бошқа жойларда мажлисларни, сессияларни бекор қилишга тўғри келди.

Жаҳон бўйича карантин тартиби Ўзбекистоннинг стратегик шериги — Хитойда илк бор энгиллатилганидан яхши хабардорсиз. Ушбу мамлакатда одатий турмуш тарзига қайтишнинг белгиси сифатида коронавирус туфайли илгари қолдирилган йиллик муҳим сиёсий анжуманларнинг ўтказилишини мисол қилиб келтирса бўлади. Ҳўш, уларда халқ вакиллари томонидан қандай масалалар муҳокама қилинади, деган саволга “Синьхуа” ахборот агентлиги билан ҳамкорликда тайёрланган материалда батафсил тўхталамиз.

Муҳим йилдаги ноодатий сессиялар

“Икки сессия” — Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши ва Хитой халқ сиёсий маслаҳат кенгашининг Бутунхитой кўмитаси ҳар йили ўтказилади ва у муҳим сиёсий воқеаларга бой бўлади. Жорий йилда COVID-19 эпидемияси сабабли мазкур сиёсий тадбирни шу келаётган ҳафтага кечиктиришга мажбур бўлишди.

Маълумки, коронавирус инфекцияси туфайли ҳукуматнинг қашшоқликни йўқотиш ва Хитойда ўрта даромадли жамиятни барпо этиш бора-сидаги саяҳат-ҳаракатлари мураккаблашди. Шу сабабли икки ойдан ортиқ кечикиш билан ўтказилаётган бу йилги сессиялар алоҳида аҳамиятга эга.



Қолаверса, Хитойнинг энг юқори қонун чиқарувчи органи ва сиёсий маслаҳат идорасининг мазкур йилги мажлислари эпидемия ҳамда глобал иқтисодий инқироз шароитида мамлакат ўз олдига қўйган улкан мақсадларга эришиш тобора қучайиб бораётган бир пайтда ўтмоқда.

Маълумотларга кўра, “икки сессия”да ҳам Хитой раҳбарияти ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш йўлида қатъийлигини яна бир бор ифодалаши кутиляпти.

Албатта, вазифалар ҳамон мураккаблигича қолмоқда. Ўтган йилнинг охирида мамлакатда миллиондан зиёд камбағал одамлар бор эди ва COVID-19 инфекцияси бу вазиятни янада ёмонлаштирди.

Шу муносабат билан Хитой ички ва ташқи ноаниқлик омилларига қарши туриш учун амалий услубларни ҳисобга олган ҳолда иқтисодий ривожланишнинг янада мослашувчан ва эришилиши мумкин бўлган мақсадларини ишлаб чиқиши керак.

Мажлисларда фискал ва пул сиёсатида доир ҳолатларга муносабат билдирилади, бандлик муаммоси кўриб чиқилади. Бундан ташқари, “икки сессия” кун тартибига жамоат саломатлиги ва Фуқаролик кодекс лойиҳасини кўриб чиқиш масалалари ҳам муҳокама қилинади.

Сессиялар давомида Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши депутатлари ва Хитой халқ сиёсий маслаҳат кенгашининг Бутунхитой кўмитаси аъзоларига консенсусга эришиш, билимларни уйғунлаштириш ва миллий мақсад йўлидаги интилишларига ажойиб имкониятлар яратилади.

Дарҳақиқат, эпидемия Хитой иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди. Шу сабабли жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакат ялпи ички маҳсулоти йиллик ҳисобда 6,8 фоизга пасайди.

Буларга қарамай, мамлакат раҳ-



Эпидемиянинг жиддий таъсирини сезган учинчи саноат соҳасидаги истеъмол секторлари ҳам тез ва тартибли равишда тикланмоқда. Хитой бундан кейин ҳам иқтисодиёт изчил, соғлом ва барқарор ривожланишида барча саяҳат-ҳаракатларни амалга оширади.

ка қизиқиш билдирган. Жорий йилги сессияларга эса 88,1 фоиздан кўпроқ респондентлар эътибор қаратган.

— Эпидемиянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича мисли кўрилмаган ишлар олиб борилаётган бир пайтда ён-атрофимиздаги одамлар “икки сессия” қанчон ўтказилиши ҳақида катта қизиқиш билдиришди, — деди Хитой шарқидаги Ханчжоу шаҳрида ишлайдиган Лю Вэй. — Унинг ўтказилиш саналари аниқ айтилганидан сўнг ўзимдаги ишонч янада ортганини ҳис қилдим. Чунки бу тадбирга ёшлар томонидан ижобий муносабат билдирилган.

18 ёшдан 35 ёш тоифасидаги 1884 нафар респондент иштирок эт-



ган бу йилги сўровнома натижалари шуни кўрсатдики, сессиялар кун тартибига ёшлар орасида энг кўп қизиқиш уйғотадиган асосий мавзулар, бу — фаровонлик ва бандлик масалалари бўлиб турибди экан. Бундан кейинги бошқа мавзулар куйидагилардан иборат: аҳоли даромадлари, иқтисодий ривожланиш, солиқ ва тўловларни пасайтириш, соғлиқни сақлаш ва қашшоқликни камайтириш.

Лю Вэй ўз олдига Ханчжоудан хонадон сотиб олишни мақсад қилган. Шу сабабли у сессияда даромадлар ва уй-жой масалалари муҳокамасини диққат билан кузатыпти.

— Эпидемия иқтисодиётга салбий таъсирини кўрсатди. Умид қиламанки, “икки сессия”да ёшлар дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни юмшатиш учун қулай сиёсат ишлаб чиқилади, — деди у.

сабаби бор. Яъни бундай қарорга келинишига, асосан, глобал эпидемия ва савдо-иқтисодий вазиятдаги ноаниқликлар, шунингдек, мамлакат ривожланиш йўлида олдиндан айтиб бўлмайдиган омиллар пайдо бўлиши билан боғлиқлиги таъкидланди.

— COVID-19 эпидемияси бутун дунё бўйлаб тарқалишда давом этмоқда ва шу боис унинг мамлакатлар иқтисодиётига таъсирини чуқур ўрганиб чиқиш керак, — деди кўмита раиси.

Хэ Лифэннинг фикрича, йиллик иқтисодий ўсиш суръатлари учун аниқ рақамларни белгилаш осон эмас. Чунки у ички талабни доимий равишда кенгайтиришга, олтита соҳани барқарорлаштиришга ва уларда хавфсизлик чораларини амалга оширишга имкон бермайди.

Олтита соҳани барқарорлаштириш, бу — бандлик, молия тизими, ташқи савдо, ички ва ташқи инвестициялар ҳамда бозор истиқболларини барқарорлаштириш жараёни. Олтита соҳадаги қўллаб-қувватлаш чоралари бандлигини таъминлаш ва аҳоли фаровонлигининг асосий даражасини белгилаш, бозор субъектлари фаолияти, озик-овқат ва энергия хавфсизлиги, ишлаб чиқариш ва таъминот “занжири” барқарорлиги ҳамда қўйи тузилмаларнинг нормал ишлашини ўз ичига олади.

— Бу, шунингдек, таъминот секториди таркибий ислохотларни фаол рағбатлантиришга, юқори сифатли иқтисодий ривожланишга, янги талабларни яратиш ва улардан фойдаланишга ҳамда кучли ички бозорни яратишга имкон беради, — дейди у.

Давлат кўмитаси раҳбари фикрининг якунида Хитой меҳнат билан бандлигини барқарорлаштириш, иж-

ламиз ва шу орқали гуллаб-яшнаётган жамиятни тўла қуриш учун мустақкам пойдевор қўямиз”, дейилади ҳисоботда.

Бир қатор аниқ мақсадлар, йўналишлар ва тадбирларни ўз ичига ол-



ган ҳужжатга биноан, Хитой устувор вазифа сифатида бандлигини барқарорлаштириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаши керак.

2020 йилда мамлакатдаги қишлоқ ва шаҳарларда 9 миллиондан ортиқ иш ўринлари яратилади, ишсизлик даражаси тахминан 6 фоизни ташкил этади.

Хитойда амалдаги мезонларга кўра, қашшоқ қишлоқ аҳолиси камбағалликдан бутунлай чиқарилади ва аксарият уездларда қашшоқлик йўқолади.

Инвестициялар камайиши кузатилмади

COVID-19 эпидемияси Хитойдан чет эл инвестицияларининг катта миқдордаги оқими чиқиб кетишига таъсир кўрсатмади. Мамлакатда жойлашган хориж капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятини изчил давом эттирди, дея таъкидлаган мажлиснинг расмий вакили Чжан Есуй.

Унинг сўзларига кўра, Хитойнинг хорижий капиталдан фойдаланишдаги ҳар томонлама устунликлари ўзгаришсиз қолмоқда, хорижий сармоядорлар ҳамон ХХРга ишонч билан қараб, бу ерда бизнеснинг узоқ муд-



тимий фаровонлиқни таъминлашга устувор аҳамият қаратишини алоҳида таъкидлаган.

Олтита асосий йўналиш

Сессияда тақдим этилган ҳукуматнинг иши тўғрисидаги ҳисоботда айтилишича, Хитой бу йил қашшоқликни жадал йўқотиш ва фаровон жамиятни тўлиқ қуриш вазифалари муваффақиятли бажарилишини таъминлайди.

“Агар биз ушбу олтита йўналишдаги вазифалар ижросини тўлиқ ушлаб турсак, умумий иқтисодий вазиятда барқарорлиқни таъминлашимиз мумкин. Қўллаб-қувватлаш чоралари барқарорлиқни таъминлашга ёрдам бериши керак. Биз барқарорлиқни сақлаган ҳолда олға инти-

датли ривожланишига юқори истак билдирапти.

Чжан Есуйнинг айтишича, глобал ишлаб чиқариш “занжири”нинг мавжуд тузилмаси турли омилларнинг узоқ муддатли таъсири, хорижий корхоналарнинг биргаликдаги ҳаракатлари орқали шаклланади ва уларни ҳеч қандай мамлакат ўзгартира олмайди.

Хитой бундан кейин кўп томонлама муносабатларга амал қилишни давом эттиради, савдо ва инвестицияларни эркинлаштиришни, шунингдек, кенг савдо тизимини қўллаб-қувватлайди ҳамда глобал бошқарув тизимини ислох қилишга ва такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшади, дея қўшимча қилди у.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 39 908 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоуси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқуб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлоглар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлағмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета таҳририят компьютеризацияси билан ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбўтчилик кўчаси, 32-йў.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.25 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6